

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ҲУЗУРИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВ КАРИМЖОН КАБИЛДЖАНОВИЧ

ГРАФЛАРДА НОЧИЗИҚЛИ ШРЁДИНГЕР ТЕНГЛАМАСИ ВА
СОЛИТОН ДИНАМИКАСИНИ МОДЕЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Солиқ усуллар ва дастурлар мажмуи
01.04.02 – Назарий физика

ФИЗИКА МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РЪД)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сабилов Каримжон Кабилджанович Графларда нозикли Шрёдингер тенгламаси ва солитон динамикасини моделлаштириш	3
Сабилов Каримжон Кабилджанович Нелинейное уравнение Шрёдингера и моделирование солитонной динамики на графах.....	15
Sabirov Karimjon Kabildjanovich The nonlinear Schrödinger equation and modeling of the soliton dynamics on graphs	29
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	33

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ҲУЗУРИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВ КАРИМЖОН КАБИЛДЖАНОВИЧ

ГРАФЛАРДА НОЧИЗИҚЛИ ШРЁДИНГЕР ТЕНГЛАМАСИ ВА
СОЛИТОН ДИНАМИКАСИНИ МОДЕЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи
01.04.02 – Назарий физика

ФИЗИКА МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикасида Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/FM21 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-fizmat.nuu.uz/>) ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Матрасулов Даврон Урнинович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Арипов Мерсанд Мирсиддиқович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тахиров Жозил Остонович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Абдумаликов Абдулазиз Абдувахобович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд Давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 27.06.2017.FM 01.02 рақамли Илмий кенгаш қошидаги Бир марталик Илмий Кенгашнинг 2019 йил «30» май соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998971) 227-12-24, факс: (+998971) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: pauka@nuu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (49 рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998971) 227-02-24).

Диссертация автореферати йил « _____ » _____ кuni тарқатилди.

(2019 йил «22» апрелдаги 1 рақамли реестр баённомаси.)



А. В. Марахимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З. Р. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

Р.Дж.Аллоев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д.профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар ҳозирги пайтда долзарб бўлган ресурс-тежамкор материаллар яратиш ва улар асосида электрон курилмалар ишлаб чиқиш масалаларига келтирилади. Бу борада стационар Шредингер, синус-Гордон, Дирак ва Боголюбов де Жен тенгламалари квант физикаси, квант криптографияси ва оптика каби соҳалардаги тадқиқотларнинг объектидир. Тармоқланган тузилмаларда тўлқин жараёнларини оптимизация қилиш, ахборот, тўлқин ва заррачалар узатишни бошқариш масалаларини ечишда ночизиқли математик моделлар асос сифатида хизмат қилади. Шу сабабли, метрик графларда тўлқин тенгламалар ёрдамида тармоқланган тизимлардаги тўлқинлар динамикасининг математик моделларини қуриш, ночизиқли тўлқин тенгламаларининг сонли ечимлари учун самарали алгоритмни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш математик моделлаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда чизиқли Шредингер тенгламаси ёрдамида ифодаланган чизиқли тўлқинларнинг хоссаларини аниқлаш ва ночизиқли тўлқин тенгламаларининг сонли ечиш усулларини тадқиқ қилиш оптика ва квант физикасининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бунда содда графларда чегаравий шартлар билан берилган стационар ночизиқли Шредингер тенгламасини ечиш ва солитон транспорти моделларини ишлаб чиқиш оптика, нанофизика ва назарий физика масалаларини ечишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли графларда ночизиқли тўлқин тенгламаларининг солитон ечимларини топиш ва уларнинг турғунлик хоссаларини ўрганиш ҳамда ахборотни самарали узатиш жараёнларини математик моделлаштириш, самарали сонли ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурларини яратиш мақсадли тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган амалий математика ва назарий физиканинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, квант физикаси, конденцирланган муҳитлар физикаси ва полимерлар физикаси масалаларини ечишда математик моделлаштириш ва ҳисоблаш математикаси усулларидан фойдаланган ҳолда назарий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда амалий ишланмаларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тармоқланган тузилмаларда ночизиқли тенгламаларнинг солитон ечимини топиш, солитон транспортини математик моделлаштириш муаммоларини тадқиқ этиш ва долзарб назарий ҳамда амалий масалаларни ечишда салмоқли натижаларга эришилди. “Электроника, наноматериаллар физикаси ва амалий математика” фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди¹. Қарор ижросини таъминлашда дифференциал тенгламаларни графларда ечиш назариясини

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сонли қарори

ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Математика, механика ва информатика” ҳамда “Назарий физика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дискрет ва тармоқланган тузилмаларда тўлқин жараёнларини моделлаштириш ҳамда сонли ечиш усулларини яратиш борасида дунё олимлари томонидан тармоқланган ва тармоқсимон тузилмаларни тўр сифатида қараган ҳолда кучли боғланиш методи (tight binding approach) ни қўллаб, қатор муҳим натижалар олинди. Жумладан, графларда эволюцион тенгламалар ёрдамида чизикли тўлқинлар динамикасини моделлаштиришни ўрганиш илк бор 1989 йил Exner ва Seba ишида келтирилган. Кейинроқ эса Kostykin ва Schrader метрик графларда Шрёдингер оператори учун умумий кўринишдаги чегаравий шартларни қаноатлантириб, аниқ математик масаласини ва тармоқланган тизимларда зарра ва тулқин динамикасининг аниқ математик моделини таклиф этган. Мазкур моделнинг ночизикли умумлашмаси, яъни метрик графларда ночизикли Шрёдингер тенгламаси орқали ифодаланувчи тармоқланган тузилмаларда солитон динамикаси модели илк бора К.Накамура, С.Савада, Д.Матрасулов ва уларнинг ҳаммуаллифлари тарафидан ишлаб чиқилган. Хусусан, уларнинг ишларида фундаментал сақланиш қонунаридан келиб чиқиб, графнинг тармоқлантирувчи нукталарида умумий чегаравий шарт олинган.

Графнинг тугун нукталаридаги чегаравий шартлар Р.Адами, Д.Нойа, Д.Пленовский каби олимлар томонидан олинган ва бу шартлар графларда турғун ва югирувчи солитонларни, жумладан, тармоқланган тузилмаларда релятивистик солитонларни моделлаштириш учун ҳам қўлланилган. Кортеге де Фриз тенгламаси орқали ифодаланувчи жараёнларни А.Хасанов, Г.Уразбаев ва уларнинг шогирдлари томонидан етарлича ўрганилган. Газ-нефт, иссиқлик тарқалиш, ночизикли биологик популяция жараёнлари Н.Муҳиддинов, М.Арипов, Ш.Саъдуллаева, З.Раҳмонов каби олимлар томонидан сонли тадқиқ этилган.

Дискрет ва тармоқланган тузилмаларда тўлқин динамикасини

моделлаштириш назарий физика, математик физика ва математик моделлаштиришнинг кесишмасида ҳосил бўлган янги мавзулардан ҳисобланади. Илк бор мазкур масала, чизикли тўлқинлар учун Павел Экснер (Pavel Exner) ва Петр Шеба (Peter Seba) тарафидан қаралган. Кейинчалик, ўз-ўзига қўшмалик шартини қаноатлантирувчи, умумий кўринишдаги чегаравий шартлар Роберт Шрадер (Robert Shrader) ва Вадим Кострикинлар тарафидан келтириб чиқарилган. Сўнгра мазкур тенглама квант тармоқлари ва уларнинг спектрал хусусиятларини ўрганишда У. Смиланский (U. Smilansky) ва Свен Гнуцманн (Sven Gnuzmann) тарафидан қўлланилган. Ушбу масаланинг ностационар кўриниши, яъни тармоқланган тизимларда югурувчи чизикли тўлқинлар дианмикасини тавсифловчи метрик графлардаги ностационар Шредингер тенгламаси Д.Матрасулов ва Ж.Юсуповлар тарафидан ўрганилган. Кейинчалик, мазкур масала, Д.Матрасулов, У.Саломов, К.Накамура томонидан Паули тенгламасига умумлаштирилган ва тармоқланган тизимларда спин тўлқинлари динамикаси моделлаштиришга қўлланилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги. Диссертацияда тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасидаги Ф-3-003 “Қуйи ўлчамли тизимларда кўп электронли фотоволтанкали жараёнлар ва куёш энергияси конверсияси”, Ф-2-003 “Квант графларида иссиқлик ўтказувчанлиги ва квант транспортини ўрганиш”, БФ-2-002 “Тармоқланган углеродли нанотузилмаларда квант транспорти” илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади метрик графларда ночизикли тўлқин тенгламалари орқали тармоқланган ва тармоқсимон тузилмаларда солитонлар динамикасини моделлаштириш, сонли усулларда ечиш, баллистик ва диффузион транспортини тавсифловчи релятивистик моделларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

содда графларда чегаравий шартлар билан берилган кубик ночизиклиликка эга бўлган стационар ночизикли Шредингер тенгламасини ечиш;

тармоқланган тизимларда солитон транспорти моделларини қуриш;

содда графларда стационар синус-Гордон тенгламасини ечиш ва олинган ечим ёрдамида тармоқланган соҳаларда Жозефсон ўтказувчанлигининг фазалар фарқини топиш;

содда графларда ночизикли Дирак тенгламасини ечиш;

тармоқланган тизимларда Дирак солитонлари динамикасини моделлаштириш;

метрик графларда Боголюбов де Жен (Bogoliubov de Gennes) тенгламасининг аналитик ечимларини топиш;

метрик графларда ночизикли тўлқин тенгламаларини сонли ечиш учун самарали алгоритм ишлаб чиқиш ва дастурини яратиш;

Тадқиқотнинг объекти тармоқсимон тузилмалар, мезоскопик

тармоқлар ва тармоқланган нанотузилмаларда солитонлар ва чизикли релятивистик тўлқинлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети замонавий назарий физиканинг қатор йуналишларида амалий тадбиққа эга бўлган, содда топологияли тармоқланган тузилмаларда солитонлар ва чизикли тўлқинларнинг диффузион ва баллистик транспорти моделларини ишлаб чиқиш, метрик графларда чегаравий шартлар берилган ночизикли тўлқин тенгламаларини аналитик ва сонли усулларда ечишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ночизикли тўлқин тенгламаларининг аналитик ва сонли ечиш методлари, тескари масала ечими, сонли моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

содда графларда кубик ночизикликка эга бўлган стационар ночизикли Шрёдингер тенгламасининг турғун солитон кўринишдаги ечими топилган; тармоқланган тузилмаларда синус-Гордон тенгламаси ечимининг турғунлиги исботланган;

графнинг тармоқлантирувчи нуқтаси орқали солитонларнинг қайтишисиз ўтиш шартлари топилган;

тармоқланган углеродли нанотузилмаларда кубик ночизикликка эга бўлган Дирак тенгламасининг солитон ечими ёрдамида баллистик ва диффузион транспорт масаласи ечилган;

метрик графларда Боголюбов де Жен тенгламасининг аналитик ечими топилган;

метрик графларда ночизикли тўлқин тенгламаларини сонли ечиш схемаси ва алгоритми ишлаб чиқилган ҳамда дастурий таъминоти яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси тармоқсимон тузилмали функционал қурилмаларни ишлаб чиқиш учун содда графларда стационар синус-Гордон тенгламасини ечиш усули Жозефсон ўтказувчанлигининг фазалар фарқини топишда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тармоқланган тузилмаларда ночизикли тўлқин тенгламалари учун тармоқланиш нуқтасида қўйилган чегаравий шартлар фундаментал сақланиш қонунларидан олинган бўлиб, уларнинг физик жиҳатдан корректлигини таъминлаш мақсадида ночизиклилик коэффициентларга маълум текланишлар олинган. Сонли усулларни қўллашда уларнинг турғунлиги текширилган ва талаб қилинган аниқликдаги тақрибий ечиш усулларидан фойдаланилган. Олинган натижалар физик жиҳатдан батафсил таҳлил қилинган ва уларнинг реал физик жараёнларга мослиги назарий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти графларда ночизикли тўлқинлар транспорти баллистик ва диффузион бўлиш шартлари топилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти метрик графларда стационар ночизикли Дирак тенгламасининг солитон ечимлари Бозе-Эйнштейн конденсатлари динамикаси масаласини тармоқсимон тизимларда

ечиш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тармоқланган тузилмаларда ночизикли стационар тўлқин тенгламаларининг топилган турғун солитон ечимлари асосида:

метрик графларда стационар ночизикли Шрёдингер тенгламасининг (турғун) солитон ечимлари хорижий илмий журналларда (*Journal of Differential Equations*, Volume 266, Issue 1, 5 January 2019, Pages 147-178; *Nonlinearity*, Volume 28, Number 7, 2015, pp. 2343–2378; *Applied Mathematics ResearcheXpress*, Volume 2016, Issue 1, 1 January 2016, pp. 98–145) графнинг тармоқланувчи нуктасидан ўтувчи солитон транспортини тавсифловчи чегаравий шартларни ҳосил қилишда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши ночизикли стационар Шрёдингер тенгламаси учун графда қўйилган чегаравий масалани ечиш имконини берган;

тармоқланган тизимларда турғун солитонларни тавсифловчи метрик графлардаги стационар синус-Гордон тенгламасининг аналитик ечимлари хорижий илмий журналларда (*Communications in Mathematical Physics*, May 2017, Volume 352, Issue 1, pp. 387–406; *Portugaliae Mathematica* 72(4), April 2012, P. 31; *Nonlinearity*, Volume 30, Number 8, 2017, P. 24) турғун солитонлар динамикаси масаласини тармоқсимон тизимларда ечишда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши ночизикли стационар синус-Гордон тенгламаси учун графда қўйилган чегаравий масалани ечиш имконини берган;

Дирак солитонларининг тармоқланган тизимлардаги динамикасини ўрганиш доирасида олинган, ночизикли Дирак тенгламасининг метрик графлардаги ечими хорижий илмий журналларда (*Journal of Physics A: Mathematical and Theoretical*, Volume 51, Number 9, 2018, P. 22; *SIAM Journal of Mathematical Analysis*, 51(2), 1046–1081; *Symmetry* 2019, 11(2), 169) Бозе-Эйнштейн конденсатлари динамикаси масаласини тармоқсимон тизимларда ечишда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши ночизикли Дирак тенгламаси учун графда қўйилган чегаравий масалани ечиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 7 та республика конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан, 2 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида масаланинг ҳозирги ҳолати тавсифи, унинг долзарблилиги, шунингдек, ночизикли тўлқин тенгламалари назариясининг

асослари ва солитонлар назарияси тавсифланган.

Диссертациянинг “Ночизикли тўлқин тенгламаларнинг солитон ечимлари” деб номланган биринчи бобида назарий физикада қатор амалий тадбиқларга эга бўлган, ночизикли Шрёдингер тенгламасининг солитон ечимларини тескари сочилиш масаласи усулида олиш алгоритми батафсил тақдим қилинган. Метрик графлар назарияси асослари ҳам қисқача баён қилинган. Бу соҳада бошқа олимлар томонидан олинган илмий натижалар келтирилган.

“Тармоқларда стационар оптик солитонлар” деб номланган иккинчи боб метрик графларда стационар ночизикли Шрёдингер тенгламаси орқали тавсифланувчи тармоқланган тузилмаларда турғун солитонларнинг хоссаларини ўрганишга бағишланган. Хусусан, юдузсимон метрик графнинг ҳар бир қиррасида стационар ночизикли Шрёдингер тенгламаси куйидаги кўринишда ёзилган:

$$-\psi_{j,j} \pm \beta_j |\psi_j|^2 \psi_j = \lambda^2 \psi_j, \beta_j > 0, j = 1, 2, 3. \quad (1)$$

Метрик графлар учун ёзилганда, бу тенглама кўп компонентали бўлиб, компоненталари чегаравий шарт орқали аралашган бўлади. Мазкур тенглама қатор физикавий жараёнларни моделлаштиришда, хусусан, тармоқланган оптик толаларда турғун солитонларни, тармоқланган тизимларда Бозе-Эйнштейн конденсати пайдо бўлиши каби қатор тадбиқларга эга. Чегаравий шарт сифатида куйидаги шартларни танлаш мумкин:

$$\psi_1(L_1) = A_2 \psi_2(L_1) = A_3 \psi_3(L_1),$$

$$\left[\frac{\partial}{\partial x} \psi_1(x) - \frac{1}{A_2} \frac{\partial}{\partial x} \psi_2(x) - \frac{1}{A_3} \frac{\partial}{\partial x} \psi_3(x) \right]_{x=L_1} = \alpha \psi_1(L_1), A_2 A_3 \neq 0.$$

Бу чегаравий шартлардан биринчиси тўлқин функциясининг юк билан кўйилган узлуксизликни берса, иккинчиси эса тармоқлантувчи нуқтада оқимнинг сақланишини беради. (1) стационар ночизикли Шрёдингер тенгламаси ва юқоридаги келтирилган чегаравий шартлар билан қаралаётган масаланинг параметрига боғлиқ равишда баъзи махсус ҳолларда аниқ ва аналитик кўринишда ечиш мумкин. Фараз қилайлик, λ — ҳақиқий ва $\alpha = 0$, у ҳолда чегаравий шартларни куйидагича ёзишимиз мумкин:

$$\psi_1(x)|_{x=0} = 0, \psi_2(x)|_{x=L_2} = \psi_3(x)|_{x=L_3} = 0, \quad (2)$$

$$\sqrt{\beta_1} \psi_1(L_1) = \sqrt{\beta_2} \psi_2(L_1) = \sqrt{\beta_3} \psi_3(L_1), \quad (3)$$

$$\left[\frac{1}{\sqrt{\beta_1}} \frac{\partial}{\partial x} \psi_1(x) - \frac{1}{\sqrt{\beta_2}} \frac{\partial}{\partial x} \psi_2(x) - \frac{1}{\sqrt{\beta_3}} \frac{\partial}{\partial x} \psi_3(x) \right]_{x=L_1} = 0, \quad (4)$$

Тўлқин функцияси учун нормаллаштириш шarti куйидагича бўлади:

$$\sum_{j=1}^3 \int_{a_j}^{b_j} |\psi_j(x)|^2 dx = 1. \quad (5)$$

Тўлқин функциясини куйидагича ифодалаб:

$$\psi_j(x) = f_j(x) e^{i\gamma_j x}, j = 1, 2, 3, \quad (6)$$

(бунда $\gamma_j = const$) (1) ва (2) масаланинг аниқ ечимини куйидагича ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} f_1(x) &= B_1 sn(\alpha_1 x | k_1), \\ f_2(x) &= B_2 sn(\alpha_2(x-L_2) | k_2), \\ f_3(x) &= B_3 sn(\alpha_3(x-L_3) | k_3), \end{aligned}$$

бунда $sn(ax|k)$ —Якоби эллиптик функцияси.

(3)-(5) чегаравий шартларни ҳисобга олсак, юдулсимон графда стационар ночизикли Шрёдингер тенгламаси хос сонларининг спектрини берувчи k_j ($j=1,2,3$) интегралланувчи константаларни аниқлаш учун ночизикли трансцендент тенгламалар системага олиб келинган ва махсус хусусий ҳолларда мазкур система илдизларга эга еканлиги аналитик ва сонли усулларда кўрсатиб берилган.

Худди шундай куйидаги кўринишдаги

$$-\psi'' - \beta_j |\psi_j|^2 \psi_j = \lambda^2 \psi_j, \quad \beta_j > 0, \quad j = 1, 2, 3. \quad (6)$$

ортишувчи ночизиклилик билан берилган стационар ночизикли Шрёдингер тенгламасининг аниқ аналитик ечимини ҳам олиш мумкинлиги кўрсатилган. Мазкур масаланинг ечимини, яъни стационар Шрёдингер тенгламасининг метрик графлардаги солитон ечимини тармоқланган оптик толаларда юзага келадиган ночизикли оптик жараёнлар, хусусан оптик толалар тармоғида иккинчи генерациянинг пайдо бўлишини моделлаштиришга қўллаш мумкинлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг “Графларда стационар синус-Гордон солитонларининг модели” деб номланган учинчи бобида метрик графда куйидаги стационар синус-Гордон тенгламаси қаралган

$$\frac{d^2}{dx^2} \phi_j = \frac{1}{\lambda_j^2} \sin(\phi_j), \quad 0 < x < L_j, \quad (7)$$

бунда ϕ_j тўлқин функция графнинг ҳар бир қиррасида қаралади, $j=1,2,3$ эса қиррасининг номери. Графнинг тармоқлантирувчи нуқтасида чегаравий шарт графнинг учида юк билан тўлқин функциянинг ҳосиласига узлуксизлик

$$\lambda_1 \left. \frac{d\phi_1}{dx} \right|_{x=0} = \lambda_2 \left. \frac{d\phi_2}{dx} \right|_{x=0} = \lambda_3 \left. \frac{d\phi_3}{dx} \right|_{x=0} \quad (8)$$

ва графнинг тармоқлантирувчи нуқтасида ташқи магнит оқимининг сақланиши

$$\lambda_1 \phi_1 |_{x=0} + \lambda_2 \phi_2 |_{x=0} + \lambda_3 \phi_3 |_{x=0} = 0. \quad (9)$$

кўринишида берилади. Ҳар бир қиррасининг охирида чегаравий шарт куйидаги ифода орқали берилади

$$\left. \frac{d\phi_j}{dx} \right|_{x=L_j} = 2H_j, \quad (10)$$

бунда H_j j -қирра бўйича йўналган бир жинсли ташқи магнит майдон.

Мазкур масала, яъни (7)–(10) ифодалар билан берилган синус-Гордон тенгламаси ечими тармоқланган Жозефсон контакларида турғун солитонлар модели ҳисобланади. Чегаравий шартларсиз (7) тенгламанинг ечими куйидаги кўринишда топилган

$$\phi_j^{(\pm)}(x) = (2n_j + 1)\pi \pm 2 \arcsin \left\{ k_j sn \left[\frac{x - x_{0,j}^{(\pm)}}{\lambda_j}, k_j \right] \right\} \quad (11)$$

бунда k_j и $x_{0,j}^{(\pm)}$ - интеграллаш константалари, sn - эса Якоби эллиптик функцияси. k_j нинг қийматларига боғлиқ равишда синус-Гордон тенгламасининг ечимини биринчи ва иккинчи тур ечимига ажратилган. Бунда $|H_j \lambda_j| \leq k_j \leq 1$ бўлган ҳолга мос келувчи ечимини биринчи тур ечим деб аталган. (10) чегаравий шартлар билан бирга метрик юлдузсимон графда синус-Гордон ечимини куйидагича ёзиш мумкин

$$\phi_j^{(\pm)}(x) = (2n_j + 1)\pi \pm 2 \arcsin \left\{ k_j sn \left[\frac{x - L_j}{\lambda_j} + F \left[\arccos \left(\pm \frac{H_j \lambda_j}{k_j} \right), k_j \right], k_j \right] \right\},$$

бунда $F(\varphi, k)$ - биринчи тур тўлиқ бўлмаган эллиптик интеграл. (8) ва (9) граф учигаги чегаравий шарт k , ни топиш учун ночизикли трансцендент тенгламалар системасига келтирилган ва ҳосил қилинган трансцендент тенгламалар системаси икки хусусий ҳолдаги аниқ ечимга эга эканлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг “Тармоқланган тузилмаларда Дирак солитонлари динамикасини моделлаштириш” деб номланган тўртинчи бобида метрик графларда куйидаги кўринишдаги ночизикли Дирак тенгламаси асосида релятивистик солитонлар ҳақидаги масала қаралган:

$$(i\gamma^\mu \partial_\mu - m)\Psi + g^2(\bar{\Psi}\Psi)\Psi = 0, \quad (12)$$

бунда

$$\Psi(x, t) = \begin{pmatrix} \phi(x, t) \\ \chi(x, t) \end{pmatrix}; \quad \bar{\Psi} = \Psi^\dagger \gamma^0, \quad (13)$$

$$\text{ва } \gamma^0 = \begin{pmatrix} 1 & 0 \\ 0 & -1 \end{pmatrix}, \gamma^1 = \begin{pmatrix} 0 & 1 \\ -1 & 0 \end{pmatrix}.$$

Учта ярим чексиз кирра b_j дан (бунда j кирра номери) иборат бўлган метрик юлдузсимон граф учун координаталар $x_1 \in (-\infty, 0]$ ва $x_{2,j} \in [0, \infty)$ кўринишда аниқланган, 0 нукта графнинг учи билан мос келади. Амалий тадбиқ нуктаи назаридан, (12) тенглама графен нано-тасмаларида Бозе-Эйнштейн конденсати динамикасини тавсифлайди. Агар мазкур масалани биз тармоқланган тизимларда қарасак, ушбу тенглама метрик графларда берилган чегаравий шартларни қаноатлантириши керак бўлади.

Заряд ва энергия сақланиш қонунларидан куйидаги чизикли чегаравий шартлар ҳосил қилинган:

$$\begin{aligned} \alpha_1 \phi|_{x=0} &= \alpha_2 \phi_2|_{x=0} + \alpha_3 \phi_3|_{x=0}, \\ \frac{1}{\alpha_1} \chi_1|_{x=0} &= \frac{1}{\alpha_2} \chi_2|_{x=0} = \frac{1}{\alpha_3} \chi_3|_{x=0}. \end{aligned} \quad (14)$$

бунда $\alpha_1, \alpha_2, \alpha_3$ - ночизиклилик параметрлари g_1, g_2, g_3 орқали ифодаланиши мумкин бўлган константалар.

(12) тенгламанинг ечими куйидаги кўринишдаги ечими топилган:

$$\Psi_j(x,t) = e^{-i\omega t} \begin{pmatrix} A_j(x) \\ iB_j(x) \end{pmatrix}, \quad (15)$$

бунда

$$A_j(x) = \sqrt{\frac{(m+\omega)\cosh^2(\beta x)}{m+\omega\cosh(2\beta x)}} \cdot \sqrt{\frac{2\beta^2}{g_j^2(m+\omega\cosh(2\beta x))}}, \quad (16)$$

$$B_j(x) = \sqrt{\frac{(m-\omega)\sinh^2(\beta x)}{m+\omega\cosh(2\beta x)}} \cdot \sqrt{\frac{2\beta^2}{g_j^2(m+\omega\cosh(2\beta x))}}, \quad (17)$$

$\beta = \sqrt{m^2 - \omega^2}$. Равшанки, (16) ва (17) функциялар (14) шартни қаноатлантирилса, қуйидагилар ҳосил бўлади:

$$\frac{\alpha_1}{|g_1|} = \frac{\alpha_2}{|g_2|} + \frac{\alpha_3}{|g_3|}, \quad \frac{\alpha_{2,3}}{\alpha_1} = \frac{|g_1|}{|g_{2,3}|}. \quad (18)$$

Бундан қуйидаги тенглик олинган:

$$\frac{1}{g_1^2} = \frac{1}{g_2^2} + \frac{1}{g_3^2}. \quad (19)$$

Мазкур тенгламанинг югурувчи солитон кўринишдаги ечимлари Лоренц алмаштиришини қўллаш орқали ҳосил қилинган.

Ночизикли Дирак тенгламасининг (16) ва (17) ифодалар билан берилган ечими тармоқланган графен нанотасмаларида релятивистик солитонларни тавсифлайди. Бу каби солитонлар, масалан, тармоқланган графенда Бозе-Эйнштейн конденсати кўринишида пайдо бўлиши кўрсатилган.

Диссертациянинг “Тармоқланган квант ипларида Майорана фермионлари” деб номланган бешинчи боби тармоқланган тизимларда Боголюбов де Жен тенгламасини ечишга ва олинган аналитик ечим ёрдамида тармоқланган нанотизимларда Майорана зарраларининг динамикасини моделлаштиришга бағишланган. Хусусан, метрик графнинг тармоқланиш нуктасида берилган ечим узлуксизлиги ва оқим сақланиши кўринишдаги чегаравий шартлар учун масаланинг аналитик ечими олинган. Қаралган Боголюбов де Жен тенгламасининг ечими аналитик кўринишда топилган. Бу тенгламасининг юлдузсимон метрик графдаги кўриниши қуйидагича бўлиб,

$$H_{BdG} \Psi^{(j)} = E \Psi^{(j)}, \quad (20)$$

бунда $\Psi^{(j)} = (\Psi_1^{(j)}, \Psi_2^{(j)}, \Psi_3^{(j)}, \Psi_4^{(j)})$, $j = 1, 2, 3$,

$$H_{BdG} = \begin{pmatrix} 0 & -i\frac{\partial}{\partial x} & \Delta_0 & 0 \\ -i\frac{\partial}{\partial x} & 0 & 0 & \Delta_0 \\ \Delta_0 & 0 & 0 & i\frac{\partial}{\partial x} \\ 0 & \Delta_0 & i\frac{\partial}{\partial x} & 0 \end{pmatrix}, \quad (21)$$

тармоқланиш нуктаси ва тармоқ чеккасидаги

$$\Psi_1^{(1)}(0) = \Psi_1^{(2)}(0) = \Psi_1^{(3)}(0), \quad (22)$$

$$\Psi_2^{(1)}(0) + \Psi_2^{(2)}(0) + \Psi_2^{(3)}(0) = 0, \quad (23)$$

$$\Psi_3^{(1)}(0) + \Psi_3^{(2)}(0) + \Psi_3^{(3)}(0) = 0, \quad (24)$$

$$\Psi_4^{(1)}(0) = \Psi_4^{(2)}(0) = \Psi_4^{(3)}(0), \quad (25)$$

$$\Psi_1^{(j)}(L_j) = \Psi_4^{(j)}(L_j), \Psi_2^{(j)}(L_j) = \Psi_3^{(j)}(L_j), j = 1, 2, 3. \quad (26)$$

чегаравий шартлар учун аниқ ечим аналитик кўринишда олинган:

$$\Psi^{(1,2)}(x) = \begin{pmatrix} q^* \\ q \\ q^* \\ -q \end{pmatrix} e^{\Delta_0(L-x)} + \begin{pmatrix} -q \\ q^* \\ q \\ q^* \end{pmatrix} e^{-\Delta_0(L-x)}, \quad (27)$$

$$\Psi^{(3)}(x) = \begin{pmatrix} q^* \\ -2q \\ -2q^* \\ -q \end{pmatrix} e^{\Delta_0(L-x)} + \begin{pmatrix} -q \\ -2q^* \\ -2q \\ q^* \end{pmatrix} e^{-\Delta_0(L-x)}, \quad (28)$$

бунда $L_1 = L_2 = L_3 = L, q = 1 + i$.

ХУЛОСА

Ушбу диссертация иши метрик графларда солитонларнинг транспорти масаласини ечишга бағишланган. Диссертация ишида олинган асосий натижалар куйидагилар:

1. Метрик графларда ночизикли стационар Шрёдингер тенгламаси турли топологияли графлар учун турғун солитон кўринишида аниқ аналитик ечимга эга эканлиги исботланган.

2. Метрик графларда стационар синус-Гордон тенгламаси графнинг тармоқланиш нуқтасида тўлқин функциянинг узлуксизлиги ва оқимнинг сақланишини таъминловчи чегаравий шартларни қаноатлантирадиган турғун солитонлар кўринишидаги аниқ аналитик ечимга эга эканлиги исботланган.

3. Солитонларнинг турғунлик шартлари келтириб чиқарилган ва олинган ечимлар орасида турғун ечимлари борлиги исботланган.

4. Тармоқланган тизимларда турғун солитонлар моделини ифодаловчи стационар ночизикли Дирак тенгламасини сонли ечиш алгоритми қурилган.

5. Метрик графларда ностационар ночизикли Дирак тенгламасининг солитон ечимлари стационар Дирак тенгламасининг солитон ечимлари орқали келтириб чиқарилган.

6. Тармоқланган углеродли нанотузилмаларда кубик ночизиклиликка эга бўлган Дирак тенгламасининг солитон ечими ёрдамида баллистик ва диффузион транспорт масаласи ечилган.

7. Метрик графларда ночизикли тўлқин тенгламаларини сонли ечиш алгоритми қурилган ва дастурий таъминоти яратилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ СОВЕТЕ
DSc.27.06.2017.FM.01.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

САБИРОВ КАРИМЖОН КАБИЛДЖАНОВИЧ

**МОДЕЛИРОВАНИЕ СОЛИТОННОЙ ДИНАМИКИ И НЕЛИНЕЙНОЕ
УРАВНЕНИЕ ШРЕДИНГЕРА НА ГРАФАХ**

**05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплекс
программирования
01.04.02 – Теоретическая физика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РФД) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/FM21

Диссертация выполнена в Национальном Университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://ik-fizmat.nuu.uz/>) и информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:

Матрасулов Даврон Урунович
доктор физико-математических наук, профессор

Арипов Мерсанд Мирсиддинович
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Тахиров Жозил Остонович
доктор физико-математических наук, профессор

Абдумаликов Абдулазиз Абдувахобович
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация

Самаркандский Государственный университет

Защита диссертации состоится «30» мая 2019 года в 15⁰⁰ часов на заседании Разового Научного совета при Научном совете DSc 27.06.2017.FM 01.02 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университет, дом 4. Тел.: (+998971) 227-12-24, факс: (+998971) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за № 49 (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университет, дом 4. Тел.: (+998971) 227-02-24).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ года.

(протокола рассылки №1 от «22» апреля 2019 года.)



А. Р. Марахимов
Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени, д.ф.-м.н., профессор, академик

З. Р. Рахмонов
Член секретариата Научного совета по присуждению
ученой степени, д.ф.-м.н.

Р. Дж. Аллоев
Председатель научного семинара
при Научном совете
по присуждению Ученой степени,
д.ф.-м.н., профессор


ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Проводимые в настоящее время в мире многочисленные научные и практические исследования направлены на создание ресурсосберегающих материалов и разработку электронных устройств на их основе. В связи с этим использование моделей на основе уравнения Шредингера, синуса-Гордона, Дирака и Боголюбова де Жена являются объектом интенсивных исследований в квантовой физике, квантовой криптографии, оптике и физике конденсированных сред. Поэтому одной из важнейших задач математического моделирования является разработка и реализация эффективного алгоритма для численного решения подобных нелинейных волновых уравнений.

В настоящее время в мире изучение линейных волн, описываемых линейным уравнением Шредингера, и исследование численного решения нелинейных волновых уравнений являются одной из актуальных проблем современной оптики и квантовой физики. При этом решение стационарного нелинейного уравнения Шредингера, заданного на простых графах с граничными условиями, и построение моделей транспорта солитонов в разветвленных системах играют важную роль в оптике, нанофизике и теоретической физике. В связи с этим нахождение солитонных решений нелинейных волновых уравнений на графах и изучение их устойчивых свойств, а также математическое моделирование процессов эффективной передачи информации, создание эффективных алгоритмов численного вычисления и программного обеспечения представляют собой важный этап современных исследований.

В нашей стране особое внимание уделяется прикладной математике и теоретической физике, имеющим научное и практическое значение в фундаментальных науках. В том числе, особое внимание уделяется теоретическим исследованиям, и практическим разработкам с использованием математического моделирования и вычислительно-математических методов при решении задач квантовой физики, конденсированных сред и физики полимеров. Значительные результаты достигнуты в солитонных решениях нелинейных уравнений в разветвленных структурах, изучении задач математического моделирования транспорта солитонов и решении актуальных теоретических и практических задач. Определены основные задачи и направления деятельности научных исследований на уровне международных стандартов в приоритетных областях в «Электроника, физика наноматериалов и прикладная математика»¹. При обеспечении исполнения постановления важно развивать теорию решения дифференциальных уравнений на графах.

¹ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии Наук Республики Узбекистан»



Настоящая диссертация, в определенной степени, служит осуществлению задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №-ПП-916 «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий в производство» от 15 июля 2008 года, №-ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года и Указа Президента №-УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 8 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике. Данное исследование посвящено развитию науки и техники в Республике Узбекистан. «Математика, механика и информатика» и «Теоретическая физика».

